НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
А.К.Киргизбаев
"30" 08 2022 йил

## МУСИҚА ПСИХОЛОГИЯСИ

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| Билим соҳаси: | 100000 – Таълим |
| Таълим соҳаси: | 110000 – Таълим |
| Магистратура мутахассислиги: | 70111301 - Мусиқа таълими ва санъат |

CamScanner yordamida skanerlangan

| Фан/модуль коди | Ўкув йили | Семестр | Кредитлар | |
|---|---|---|---|---|
| *MPs110* | 2022-2023 | 1 | 5 | |
| **Фан/модуль тури** | **Таълим тили** | | **Ҳафтадаги дарс соатлари** | |
| Мажбурий | Ўзбек | | 4 | |
| **1.** | **Фаннинг номи** | **Аудитория машғулотлари (соат)** | **Мустақил таълим (соат)** | **Жами юклама (соат)** |
| | **Мусиқа психологияси** | **60** | **90** | **150** |

**2.** **I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – Мазкур фан дастури "70111301- Мусиқа таълими ва санъати" магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган бўлиб, унда магистирларнинг шу фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари берилган. Мазкур фан дастури "Мусиқа психологияси" фанида мусиқа психологияси тарихи, мусиқий фаолиятнинг ўзига хослиги, мусиқачи шахси ва ижодининг психологик хусусиятлари, мусиқий – психологик жараён, мусиқий – ижодий фаолият конуниятлари, мусиқа педагогикасининг психологик асослари каби масалалар қамраб олинган.

Фаннинг вазифаси – магистрга мусиқий фаолият ва мусиқа педагогикасининг психологик хусусиятлари ва қонуниятлари ҳақида билим ва малакаларни, шунингдек уларни келгуси касбий амалий фаолиятида қўллаш тажрибасини ҳосил қилиш. Мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги илгор тажрибаларни умумлаштириш, мусиқий психологик фаолият бўйича ўқув ва методик адабиётларни мустақил ўрганиш, шунингдек, етралича билим ва кўникма ҳамда малакаларни эгаллашларидан иборатдир.

"Мусиқа психологияси ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- мусиқа психологиясининг етакчи йўналишлари, мусиқачи шахсининг психологик хусусиятлари, мусиқий ижоднинг психологик хусусиятлари, мусиқачи фаолиятида билиш жараёнларининг ўзига хосликлари, мусиқачи шахсининг индивидуал – психологик хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- мусиқачи шахси ва фаолияти ривожланишининг психологик асослари; мусиқий фаолиятда мулоқотни ташкил қилиш ва раҳбарликнинг психологик асослари; мусиқачи - педагогнинг мусиқий, ижодий қобилиятлари ривожланишининг психологик қонуниятларини билиши ва қўллаш малакаларига эга бўлиши;
- мусиқа психологиясига оид билимларни билиш ва амалий мусиқий – педагогик фаолиятда қўллаш; психологик қонуниятларига оид билимларни мусиқий – тарғибот ва контсерт – ижро фаолиятини ташкил қилишда қўллаш тажрибаси ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

**II. Назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**I – МОДУЛЬ Мусиқа психологиясининг умумий асослари**

**1-мавзу. Мусиқа психологиясининг умумий асослари. Мусиқа психологияси тарихи.(2 соат)** Мусиқа психологиясини жуда қадимий даврлари, Мусиқа психологияси бўйича илк изланишлар.Антик давр файласуфлари асарлари. Пифагор



CamScanner yordamida skanerlangan

(ер. авв. VI аср) асарларидаги *евритмия* таълимоти. Евритмия -олим инсоннинг барча ҳаётий ҳодисалардан муносиб ритм, усул топа олиш қобилияти. Ижтимоий Ҳаётни ладга, оркестрга қиёслаш. (Пифагордан қолган). Бу оркестрда Ҳар бир ижрочи маълум бир чолғуни чалганидек, Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ўз вазифаси . Пифагорни куй ва ритм инсон қалбига муайян таъсир кўрсатишини аниқлаганлиги. Умидсизлик, руҳий изтироблар, асабийлашиш, ғазаб ва бошқа нохушликларга қарши мусиқани инсонга ижобий таъсир қлиши.

**2-мавзу. Мусиқа психологияси йўналишлари ва тармоқлари 2soat**

Б.В.Асафевнинг «композитор-ижрочи-тингловчи» фикрига таяниб, мусиқа психологиясини қуйидаги асосий йўналиш ва жабҳаларга ажратилиши: ижодкорлик, ижрочилик, мусиқий идрок. Шу тартибда кейинги йўналишларга тақсимлаб чиқилиши: таълим, мусиқашунослик, маърифий, техник, функционал, психотерапевтик. Мусиқий ижод психологияси. Мусиқий ижрочилик психологияси. Мусиқий идрок психологияси. Мусиқий таълим, тарбия психологияси. Мусиқашунослик, мусиқа тарғиботи ва мусиқий маърифат психологияси. Мусиқа санъатининг техник таъминоти ва техник жиҳозланиши психологияси. Функционал мусиқа психологияси. Мусиқий психотерапия психологияси.

**3-мавзу. Мусиқачи шахси ва фаолияти. (2 соат)**

Мусиқачи шахси. Унинг ўзига хос хусусиятлари. Яхши мусиқачи ва педагог бўлиш учун инсон ўзида қандай хусусиятларни ривожлантириши кераклиги. Барча буюк созандаларнингфикри. Мусиқачи шахсини ижобий томонлари; одамларга гўзаллик улаши, умид бағишлаши, руҳни юксалтириши, инсонларни пок ва гўзалроқ қилиши. Мусиқачи шахсида- мусиқа туйғуси. Психолог ва созанда Б.М.Тепловни мусиқийлик ҳақидаги мусиқанинг эмоционал ифодаланишини (шакл, жанр, куй, ритм, лад, тембр, динамика ва бошқалар) ҳис эта олиш қобилияти.

**4-мавзу. Мусиқачи шахси ва фаолияти хусусиятлари (2соат)**

Санъат усталари шахсининг хусусиятларини рус тилида «т» ҳарфи билан бошланадиган бешта сўзга боғланиши. Булар: «талант» – истеъдод, «творчество» – ижод, «трудолюбие»– меҳнасеварлик, «терпение» – сабр, «требовательность» – талабчанлик. Мусиқачининг истеъдодини катта аҳамиятга эга эканлиги. Ёш Моцартни Ватиканда хор ижросидаги мураккаб асарни (Италия композитори Григорио Аллегрининг «Мизерере») атиги икки маротаба эшитиб, икки кундан сўнг ўз хотирасида сақлаб қолиб тўлиқ партитуранинг қўлёзмасини Рим Папасига топширганлиги.

**5-мавзу. Мусиқа санъатида билим олиш жараёнлари (2 соат)**

Диққат. Сезги. Сезгиларнинг ўзаро таъсири. Обертон (қўшимча тонлар) сезгиси. Эшитиш сезгиси. Мутлақ эшитиш. Нисбий ёки интервал эшитиш. Ички эшитиш. Куйни, бир овозликни ҳис этиш. Полифонияни ҳис этиш. Гармонияни ҳис этиш. Гармонияни эшитиш кобилияти. Тембр-динамикани ҳис этиш. Мусиқий-эшитиш тасаввури. Метроритмикани ҳис этиш. Ҳаракат ҳисси. Идрок.

II – МОДУЛЬ. Мусиқий идрок.

**6-мавзу. Мусиқий идрокнинг ўзига хос хусусиятлари (2 соат)**



CamScanner yordamida skanerlangan

Нима учун мусиқани ҳамма эшитадию, лекин ҳамма ҳам идрок эта олмайди? Нима учун европалик тингловчи Шарқ мусиқасини, шарқ тингловчиси Европа мусиқасини ҳар доим тўла тушунавермайди? Мусиқий идрокнинг тўлақонлилиги, мусиқий ифода воситаларини тушуниш имконияти, интенсивлик ва мусиқий кечинма турлари ҳар бир одамда ҳар хил бўлиши, ўз хусусиятлари, сабабига эга эканлиги. Мусиқий асарни тўғри ва тўла баҳолай олиш. Ривожланган мусиқий эшитиш қобилиятига эга кишилар ва бунга қарама-қарши фикрларни мавжудлиги.

**7-мавзу. Мусиқани идрок қилиш психологияси (2 соат)**

Е.В.Назайкинскийнинг бу ишида мусиқий идрок мусиқашунослик, мусиқа назарияси ва эстетикаси (куй, лад, ритм, фактура, жанр, шакл, асарнинг тасвирий ва конструктив жиҳатларининг ўзаро муносабати, композиторлик ва ижрочилик воситаларининг уйғунлиги). Бу ўринда халқ ва профессионал, мумтоз ва замонавий мусиқанинг энг яхши намуналари асосида тарбия кўрган тингловчининг бадиий-эстетик идрокини асос қилиб олиниши (мусиқий идрок).

**8-мавзу. Хотира. Мусиқий хотиранинг асосий турлари (2 соат)**

*Хотира* – эслаб қолиш, тўпланган тажрибанинг сақланиши ва тикланиши. Хотирани уч турга бўлиниши: 1)фаолият билан боғлиқ–ҳаракат, эмоционал-образли ва оғзаки-мантиқий хотира. 2) хусусиятга кўра – ихтиёрий ва ихтиёрсиз, 3) вақтга кўра – қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира. Хотира машқини муҳим аҳамиятга ега эканлиги. Айниқса, мусиқа санъатида баъзан турли ҳамда катта ҳажмдаги мусиқий асарларини эслаб қолиниши.

Мусиқий хотирани турлари: ҳаракат, эмоционал, кўриш, эшитиш ва мантиқий хотира. Ҳар бир мусиқачи индивидуал қобилиятларига боғлиқ ҳолда ўзи учун қулайроқ бўлган хотира турига суяниши.

**9-мавзу. И.Гофман формуласи бўйича мусиқий асарни эслаб қолиш. Тафаккур. Хаёл, тасаввур. Мусиқа санъатининг эмоционал-иродавий муҳити. (2 соат)**

Биз тавсияларимиз учун машҳур «кўраман-эшитаман-чаламан» формуласини ва И.Гофман томонидан таклиф этилган мусиқа асари устида ишлаш тамойиллари.Мазкур тамойиллар замиридаги турли иш услублари:

1. Мусиқа чолғусисиз асар матни устида ишлаш,
2. Мусиқа чолғуси иштирокида асар матнини чалиш,
3. Асарни матнсиз чалиш (ёддан чалиш),
4. Мусиқа чолғуси ва нотасиз ишлаш.

Тафаккур. Тафаккур турлари. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари. Мусиқий фикрнинг ривожланиш мантиғи. Мусиқий тафаккурни ривожлантириш. Хаёл, тасаввур ёки фантазия – янгилик яратувчи кишининг руҳий, ижодий фаолияти натижаси. Мусиқа санъатида тасаввур. Мусиқий асарни айнан уч кўриниши. Мусиқий тасаввурнинг ҳаётий тажриба билан боғлиқлиги. Мусиқий тасаввурнинг ривожланиши.

Туйғу – объектив дунёга субъектив муносабат кечинмалари. Эмоциялар – туйғу кечинмаларининг шакли. Мусиқада эмоция ва туйғулар. Ирода. Оптимал концерт холати. Оптимал концерт ҳолатини эгаллаш усуллари. Мусиқа санъатида индивидуал-психологик тафовутлар. Темперамент. Характер. Темперамент ва характер. Қобилият. Туғма ва ижтимоий омиллар. Теплов Б.М. «Мусиқий қобилиятлар психологияси».

**10-мавзу. Қобилиятларни аниқлаш. Тестлар (2 соат)**

Қобилиятнинг намоён бўлиши ва унинг тести. Психологик тестлар. Нейротизм



CamScanner yordamida skanerlangan

ва экстраверсия даражасининг намоён бўлишига оид Айзенк тести. Шахсият акцентуациясининг намоён бўлишига оид Шмишек тести. Безовталикни аниқлашга оид тест (Спилбергер бўйича). Шахсиятдаги ирода хусусияти шаклланганлик даражасининг намоён бўлишига оид тест. Мақсадга йўналганлик. Қатъият ва матонат. Дадиллик ва жасурлик. Сабот ва ўзини тута билиш. Аниқ мусиқий фаолиятга муносабатнинг намоён бўлишига оид тест. Ижрочилик фаолиятига муносабатнинг намоён бўлишига оид тест. Педагогик фаолиятга муносабат бўйича тест. Композиторлик фаолиятига муносабатга оид тест. *Дирижёрлик* фаолиятига муносабат бўйича тест. Мусиқашунослик фаолиятига муносабат бўйича тест.

**III Амалий машғулотлар**

**Мусиқа психологиясини тарихи.Ўзбекистонда 20-30-йилларидаги мусиқа мероси ва маданияти.**

Мусиқа психологиясининг умумий асослари. Мусиқа психологияси тарихидан.

1 *Эвритмия* таълимоти.

2.Қадимги юнонистон шаҳридаги "Ахареутослар".

3.Ўрта асрлардаги Яқин ва Ўрта Шарқдаги мусиқий тартиб.

4.Герман Гелмголтснинг мусиқий педагогик қарашлари

Аннотатсиялар ёзиш. Машғулотларда презентасия билан чиқиш

**Мусиқий таълим- тарбияда психология** Мусиқа психологияси йўналишлари ва тармоқлари Ўзбек қўшиқчилиги услубининг вужудга келиши..Мусиқашунослик ва тарғибот. Функционал мусиқа ва мусиқий психотерапия.
Аннотатсиялар ёзиш.

**Мусиқачи шахси ва фаолияти хусусиятлари, мусиқачининг истеъдоди** Мусиқачи шахси ва фаолияти, шарқ олимлари ва буюк композиторларини мусиқачилар ҳақида фикрлари. Аннотатсиялар ёзиш.

**Мусиқачи фаолияти,санъат усталари шахсининг хусусиятлари** Мусиқачи шахси ва фаолияти хусусиятлари ва мусиқачиларнинг психологик хусусиятлари ва созандалар шахси ҳақида буюк мусиқачиларнинг фикрлари. Аннотатсиялар ёзиш Машғулотларда презентасия билан чиқиш

**Мусиқа санъатида билим олиш жараёнлари.**

Мусиқа санъатида диққатнинг самарадорлиги, замонавий психологияда диққат таркибини хусусиятлари ва буюк композитор ва мусиқачилар диққатларини жамлаши. Аннотатсиялар ёзиш

**Мусиқани эшитиш ва идрок қилиш,мусиқий асарни баҳолаш.**

Мусиқий идрок ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Машҳур мусиқачиларнинг чолғулар ҳақида фикрлари Аннотатсиялар ёзиш

**Мусиқани идрок қилиш психологияси**

Мусиқий идрок.Мусиқачи назариётчиларнинг тадқиқотлари.Мусиқани идрок қилишда ҳаракатларнинг роли.Ҳаётий тажрибанинг мусиқий идрокдаги ўрни. Аннотатсиялар ёзиш.

**Хотира. Мусиқий хотиранинг асосий турлари ва муаммолари.**

Хотиранинг турлари. Хотираси кучли бўлган мусиқачилар.Мусиқий хотиранинг асосий турлари.Мусиқий хотира муаммолари. Аннотатсиялар ёзиш



CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan

| | |
|---|---|
| | - манбаалар билан ишлаш;<br>- инфографика тузиш;<br>- чизма-тасвирий моделлар (интеллект-карт, фрейм, мантиқий граф ва х.к.) яратиш;<br>- мултимедиали тақдимотлар яратиш;<br>- дарсларнинг методик ишланмаларини тайёрлаш;<br>- дарсдан ташқари машғулотлар ишланмаларини тайёрлаш;<br>таҳлим йўналиши(мутахассислик)нинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мустакил ишларнинг бошқа турларидан фойдаланиш мумкин;<br>- амалий машғулотлар ижро этилган асарларни ёддан куйлаб бериш;<br>- халқ мусиқа меросидаги айтимларни нотага олиш.<br>Мустакил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади<br><br>Тавсия этилаётган мустақил таълимнинг мавзулари:<br>1. Ўрта асрлар Шарки буюк мутафаккирларининг асарлари ва уларнинг мусиқий психология учун аҳамияти (Форобий, Ибн Сино, Жомий – танловга кўра).<br>2. XIX – XX аср бошларида Европада мусиқа психологияси ривожланиши.<br>3. XX асрда мусиқа психологиясининг ривожланиши (танловга кўра).<br>4. Мусиқа психологиясида янги тадқиқотлар (танлов бўйича).<br>5. Мусиқачи гигиенаси.<br>6. Мусиқачи – ижрочининг концерт ҳолати ва фаолияти.<br>7. Мусиқий таълим жараёнида мулоқот услублари.<br>8. Мусиқачи фаолиятида фантазия ва тасаввурнинг аҳамияти.<br>9. Мусиқий – ижодий фаолият.<br>10. Мусикачи – педагогнинг мусиқий – пропаганда ишлари янги шакллари.<br>11. Мусиқий эшитишни ривожлантиришнинг усул ва методлари.<br>12. Мусиқий хотирани ривожлантиришва мусиқачи диққатини машқ қилишнинг усул ва методлари.<br>13. Мусиқий идрокини ва тасаввурни шакллантириш усул ва методлари.<br>14. Мусиқий тафаккурни ривожлантириш.<br>15. Ижро кўникмаларини шакллатириш усул ва методлари.<br>16. Мусиқий – педагогик фаолиятда мулоқотни ташкилишнинг ва мусиқий – маърифий фаолиятини шакл методлари. |
| 3. | **VI. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:<br>- мусиқачи шахси ва фаолияти ривожланишининг психологик асослари; мусиқий фаолиятда мулоқотни ташкил қилиш ва раҳбарликнинг психологик асослари; мусиқачи - педагогнинг мусиқий, ижодий қобилиятлари ривожланишининг психологик қонуниятларини билиши ва қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши*;<br>• - мусиқачи шахси ва фаолияти ривожланишининг психологик асослари; мусиқий фаолиятда мулоқотни ташкил қилиш ва раҳбарликнинг психологик асослари; мусиқачи - педагогнинг мусиқий, ижодий қобилиятлари ривожланишининг психологик қонуниятларини билиши ва қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши*;<br>- мусиқа психологиясига оид билимларни билиш ва амалий мусиқий – педагогик фаолиятда қўллаш; психологик қонуниятларига оид билимларни мусиқий – тарғибот ва концерт-ижро фаолиятини ташкил қилишда қўллаш тажрибаси ва малакасига *эга* |



CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan